



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ СОҶАВИЙ ХИЗМАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Ўнғоров Абдулазиз Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 314-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17532153>

ARTICLE INFO

Received: 1st November 2025
Accepted: 2nd November 2025
Published: 5th November 2025

KEYWORDS

Профилактика
инспектори, ички ишлар
органлари, соҳавий
хизматлар, ҳамкорлик,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, электрон
ахборот тизимлари.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари асосий роль ўйнайди.

Ўтган йилларда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштиришда кенг кўламда ишлар амалга оширилди. Айниқса, маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган куйи бўғинлар ривожлантирилди ва мустаҳкамланди. Бу чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини ички ишлар органларининг қуйидаги соҳавий хизматлари ходимлари билан узлуксиз ҳамкорликда олиб боради:

- Жиноят қидирув хизмати ходимлари;

ABSTRACT

Мақолада профилактика инспектори ва ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил этиш масалалари таҳлил қилинади. Ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатлари, ахборот алмашинуви ва профилактик тадбирларни мувофиқлаштириш механизмлари ўрганилади.

- Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизмати ходимлари;
- Терговчилар;
- Патруль-пост хизмати нарядлари ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари;
- Йўл-патруль хизмати ходимлари;
- Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари;
- Пробация хизмати ходимлари;
- Эксперт-криминалистика хизмати ходимлари.

Шунингдек, профилактика инспектори ва хизматга жалб этилган ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун ҳудуддаги оператив вазиятни, аҳоли таркибини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи ва ҳулқ-атворини, ҳудуднинг хусусиятлари, транспорт воситаларининг ҳаракати, дам олиш ва кўнгилочар масканларни, диний ва оммавий маросимлар ўтказиладиган жойлар, ғазналарнинг жойлашиши, техник жиҳатдан ҳимояланганлиги ва ҳудудни таърифловчи бошқа барча маълумотларни билиши зарур. Профилактика инспекторлари ички ишлар органлари тизимида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий функционал бўғин ҳисобланади. Уларнинг соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги нафақат ҳуқуқий мажбуриятлар, балки фуқаролар хавфсизлиги ва маҳалладаги ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳам стратегик аҳамиятга эга.

Ҳамкорлик жараёнида профилактика инспектори хизматга жалб қилинган ходимларга қуйидагиларни тушунтиради:

- хизмат ҳудудидаги оператив вазият хусусиятлари;
- профилактика ҳисобидаги шахслар, қидирувдаги шахслар ва бедарак йўқолган шахслар ҳақида маълумот;
- ички ишлар органларини қизиқтирувчи барча шахслар ва маълумотлар;
- ўғирланган нарсалар ва уларнинг сотилиши ёки ўтказилиши эҳтимоли;
- чет эл фуқароларининг келиши ва жойлашиши;
- жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган ҳудудлар ва вақтлар.

Шу билан бирга, ҳамкорликда хизмат олиб боровчи соҳавий хизмат ходимлари профилактика инспектори йўл-йўриғи асосида ички ишлар органлари таянч пунктларига қайддан ўтиш орқали хизмат вазифаларини бажарадилар. Бу жараёнда ходимнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими ва профилактика инспектори томонидан берилган топшириқлар махсус қайд китобига киритилади. Хизмат сўнгида профилактика инспектори ушбу топшириқларнинг бажарилганлиги, маҳаллада ҳамкорликда амалга оширилган ишлар тўғрисида тегишли баёнотни қайд китобига киритади.

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳорати жамоат хавфсизлигини таъминлашда асосий вазифа ҳисобланади. Улар аҳоли орасида ишлашда ёшлар билан самарали алоқа ўрнатиши, оила ва мактаблар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаши ҳамда ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик учун профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши керак.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган барча соҳавий ходимлар ўз вазифаларини маҳаллада, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда бошлаши, уларга таяниши ва ҳамкорлик жараёнида ўз билим ва тажрибаларини самарали қўллаши зарур. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда узвий, тизимли ва барқарор механизмни ташкил этади.

Профилактика инспекторлари ва ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш ҳуқуқий жиҳатдан кўп қиррали меъёрий базага таянган. Ушбу тизимнинг фундаментал асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси аҳамиятга эга бўлиб, у жамиятда барқарорлик, тинчлик ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати сифатида хизмат қилади.

Профилактика инспекторлари фаолиятининг асосий қонуний тартиб-қоидалари “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун (2014 йил 14 май) [1] ҳамда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун (2016 йил 16 сентябрь) [2] орқали белгиланган. Ушбу қонунлар профилактика инспекторлари вазифаларини аниқлайди, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқий асосни яратади.

Ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлиги қуйидаги фармон ва қарорлар билан мустаҳкамланади:

- ПҚ-1 сонли Қарор (03.01.2025) — 2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида [3].
- ПҚ-253 сонли Қарор (18.08.2025) — айрим қарорларга маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янгилаш ва такмиллаштириш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида [4].
- Шунингдек, ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги соҳасида қабул қилинган фармон ва қарорлар профилактика инспекторлари ва соҳавий хизматларнинг ҳамкорлик механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Хозирги вақтда профилактика инспектори ва ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш жуда муҳимдир.

Бу борада мустақил изланувчи Ҳ.Қ. Бабаханов [5] мақоласида шундай таъкидлайди “Профилактика инспекторлари учун барча зарур шароитларнинг яратилиб борилаётганлиги, ўз навбатида, уларнинг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини жиддий кучайтиришни тақозо этади” [5, 71-78 б].

Шундай қилиб, профилактика инспекторлари ва соҳавий хизматлар ҳамкорлиги ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатдан ўз ўрнини топган тартибда амалга оширилмоқда, бу эса жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали механизмни ташкил этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, профилактика инспектори ва ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ўртасида шаклланган ҳамкорлик — жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим кўпқиррали механизмдир. У амалий чора-тадбирлар (махсус тадбирлар, маҳаллада манзилли профилактика) ва ахборот алмашув (маълумотлар тизими, тезкор қарорлар) шаклларида амалга оширилади.

Шу билан бирга, мазкур ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари — Конституция, Қонунлар ва Президент қарорлари (ПҚ-1, ПҚ-253 ва ҳ.к.) — тизимни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Амалга оширилган таркибий чоралар, соҳавий хизматлар билан узвий алоқада фаолият юритишни таъминлаш, профилактика инспекторининг функцияларини кенгайтириш жамоатда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш орқали тушунарли йўл очади.

Шу тариқа, профилактика инспектори ва соҳавий хизматлар ҳамкорлиги ҳам замонавий рақамли ислоҳотларга, холис таҳлил усулларида ҳамда жамоатчилик билан самарали ишлашга асосланган ҳолда юритилаётган таркибли жараён дир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1 сонли қарор.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253 сонли қарор.
5. Қадамович Б. Ҳ., Рахимов Т. М. Ў. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 71-78.

